

«Кизил Ўзбекистон» нинг шу йил 27 июл сонидида ўртоқ Назир Тўракуловнинг «Хамлет» таржимаси тўғрисида бир мақола босилиб чиқди.

Мазкур мақола муносабати билан куйидаги уч нарсани кўпчиликка билдиришга шошиламан.

1. Назир ака «Хамлет» таржимасини келтирган мисолларига караганда русча таржималарининг тизилмаси (назмлиси) билан солиштирган. Холбуки мен таржима килган нусха сочмалли (насрли) бўлиб инкилобдан бурун босилган. Мен таржимага киришганимдан бурун у нусхани инглиз адабиёти билгичларидан ўртоқ Лан инглизчаси билан солиштириб чиқиб, кўп жойларини мумкин қадар аслига яқинлаштириб берган. Мазкур нусха хали ҳам ўртоқ Ланнинг кутубхонасида сақланади. Мен, ана ўша нусхадан бўлган таржима учунгина жавобгарман.

Таржима билан таржима орасида, айниқса тизмалли билан сочмалли орасида катта фарқ бўлади.

2. «Хамлет»дай бир асарнинг таржимасида бир неча хато кетмасдан иложи йўқ. Ўша хатоларни хайрихошлик асосида кўрсатувчиларга ташаккуримни билдириб, келажакда тузатишга ваъда бераман. Бир нечта тўғри кўрсатилган таржима хатолари Назир ака мақоласида ҳам бор; бунинг учун у кишига ҳам ташаккур.

3. Ўртоқ Лан кўлидаги нусхани олдириб мен килгон таржиманинг оригиналига солиштириб чиқиб, натижасини матбуотда зўлон килиш керак. Бунинг учун яхши-яхши таржимонлардан иборат бир кўмисия тузилса яхши бўларди. Кўмисия тузиш вазифасини мен Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг республика кўмитасидан сўрар эдим.

## Абдулхамид Чўлпон. Бошкармага хат (1936)

Муаллиф:

13.03.2014 23:11 -

---

**Бошкармага хат.** — Мазкур макола Н. Тўракуловнинг «Хамлет»га тухмат» («Кизил Ўзбекистон», 1936, 27 июль) номли чиқишига жавоб тарикасида ёзилган ва «Кизил Ўзбекистон»нинг шу йил 28 июль сонида эълон қилинган.

*Назир Тўракулов* (1892—1939) — йирик давлат арбоби, журналист, тилшунос олим. 20—30-йилларда вақтли матбуотда катор маколалари, турли таҳаллуслар билан имзоланган шеърлари эълон қилинган. Катагон қурбонларидан.